

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ



**ХАЛҚАРО САЙЛОВ
СТАНДАРТЛАРИ**

**ИЛМИЙ-ОММАБОП
РИСОЛАЛАР СЕРИЯСИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЙОРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

Х.И. БОТИРОВ

**ХАЛҚАРО САЙЛОВ
СТАНДАРТЛАРИ**

(оммабоп рисола)

Тошкент – 2021

УЎК: 342.8(041)(575.1)

КБК: 66.77

Б 88

Тошкент давлат юридик университети Илмий-услубий Кенгашининг 2021 йил 30 июнданги б-сон мажлис баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

Х.И. Ботиров

Халқаро сайлов стандартлари (оммабоп рисола) [Матн] / Х.И. Ботиров. – Т.: Тошкент давлат юридик университети, 2021. – 26. б.

Мазкур рисолада халқаро сайлов стандартлари тушунчаси, моҳияти, турлари ва манбалари, Ўзбекистонда халқаро сайлов стандартларига мос сайлов тизимининг ривожланиши ва унинг конституциявий-хуқукий асослари, уларнинг миллий сайлов қонунчилигига имплементация қилиниши каби масалалар ёритилган.

Рисоланинг аҳамиятли жиҳати шундаки, халқаро сайлов стандартлари оддий, содда ва халқчил тилда тушунтириб беришга харакат қилинган. Шунингдек, замонавий инфографикалар асосида ҳуқукий нормаларнинг моҳияти ёритиб берилган.

Рисола кенг доирадаги китобхонларга мўлжалланган.

ISBN: 978-9943-7400-0-6

© Х.И. Ботиров, 2021 й.

© Тошкент давлат юридик университети, 2021 й.

КИРИШ

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда умум эътироф этилган халқаро стандартларга мувофиқ ўтказилаётган сайловларнинг ўрни бекиёс.

Сайловлар кучли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқ ҳоҳиш-иродасининг эркин ифодаланиши, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этишининг асосий шакли ҳисобланади.

Бугунги кунда давлат ўз миллий ҳуқуқий тизими ва унинг учун мақбул қонунчилик базасини яратар экан, ўзи танлаган йўлнинг истиқболини жаҳоннинг глобаллашув жараёнлари билан уйғунликда кўрмаслиги мумкин эмас. Халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуққа нисбатан таъсири анча сезиларли ва муқаррардир. **Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар миллий ҳуқуқ ва қонунчилик тизимини қўллаш самарали моделларини кўриб чиқиши чоғида кенг тарқалган хатоларни такрорламаслик имконини беради.**

Мамлакатимизнинг сайлов қонунчилиги миллий ҳуқуқий тизимдаги динамик ва изчил ривожланаётган тармоқлардан бири ҳисобланади. Халқаро сайлов стандартлари сайлов соҳасидаги ўзгаришларнинг мустаҳкам асоси ва мезонларидан бирига айланган. Улар демократик сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишида очиқлик ва ошкоралик, барча даражадаги сайлов комиссияларининг фаолиятида мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлиликка риоя қилиш каби ҳуқуқий категорияларни ўзида мужассамлаштиради. Миллий ҳуқуқий тизим даражасида халқаро сайлов мажбуриятларининг мустаҳкамлаб қўйилиши ва халқаро сайлов нормаларининг амалдаги қонунчиликка татбиқ этилиши мамлакатимизнинг кучли демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги жиддий қадами ҳисобланади. **Маълумки, демократик давлатларда сайлов институтининг аҳамияти қўйидагиларда намоён бўлади:**



Дарҳақиқат, сайловлар демократик қадриятдир. Шу боис ҳар бир демократик давлат ҳалқ ҳокимиятилигини ушбу қадриятга асосланиб ўрнатади. Ўзбекистонда 2016 йилда президентлик ҳамда 2019 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган демократик сайлов жараёнлари бунинг ишончли ва яққол тасдиғидир.

2016 ЙИЛДА САЙЛОВНИ КУЗАТИШ УЧУН



Дунёдаги 5 та шуғулни ҳалқаро ташкилот ҳамда
46 га давлатдан 600 нафарга яқин кузатувчи
катнашди

Айниқса, EXХТning Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг тўлақонли миссияси биринчи марта юртимизга ташриф буюрди. Яъни ушбу ҳалқаро тузилманинг 32 та мамлакатдан келган 200 нафарга яқин вакили – бу, албатта, кичкина гап эмас – айнан демократик тамойиллар асосида сайлов жараёнини синчиклаб кузатиб борди.

Олий Мажлис Қонунчиллик палатасига ҳамда ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ўтказилган сўнгти сайловда эришилган ижобий натижалар



- Ушбу сайловлар ҳалқаро талиб ва стандартларга тўлиқ жавоб берадиган инти Сайлов кодекси яосинада ўтказилди.
- Биринчи марта сайлов жараёниларини бошқарниш бўйича автоматлаштирилган ташим ва сайловчиларини ятова электрон рўйхати жорий этилди.
- Озодликдан маҳрум этилган, бирок отир ва ўти отир жиноят содир этиматин маҳкумларга илк бор овоз бериш имконияти яратилди.
- Сайлонотлар отиштини, ошкорялаки ва халқолик гамойили яосинада ҳамда кескин курнишлар остида ўтказилди.



Уларин 70 минидан зўёд маҳаллий кутатувчилар ҳамда 10 та ҳалқаро ташкилот, 50 та ижтихомий давлатининг 825 нафар кутатувчиси, ҳалқаро ва мамлакатимиз оммавий изборот юсигатларининг 1 минд 155 нафар вакили кутатив борди.

I. “ҲАЛҚАРО САЙЛОВ СТАНДАРТЛАРИ” ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ ВА МАНБАЛАРИ

Ҳалқаро сайлов стандартлари фуқароларнинг сайлов жараёнида фаол иштирок этишларини таъминлашда, кучли фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиди.

Замонавий сайлов ҳуқуқи ва сайлов қонунчилигини шакллантириш жараёни нафақат миллий ҳуқуқий асосларни, балки ҳалқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларини ҳам қамраб олади.

Ҳалқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидаларининг устунлиги тан олиниб, демократик даврий сайловларнинг ўтказилиши мамлакатимиз тараққиётини ҳаракатлантирувчи куч вазифасини ба-жариб келмоқда. Ҳалқаро стандартларга асосланган сайловлар Ўзбекистоннинг ҳалқаро миқёсда обрў-эътиборини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳалқаро сайлов стандартлари бир вақтнинг ўзида иккита:

❖ ҳуқуқни ташкил этувчи ва

❖ ҳуқуқни тартибга солувчи юридик вазифани бажаради.

Шу билан бирга, ҳалқаро сайлов стандартлари фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликлари, уларнинг татбиқ этилиши ва

күлланилишини бевосита белгилайди. Хукукий адабиётларда таъкид-ланганидек:

Халқаро сайлов стандартлари деганда, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқига оид бўлган сайловларни ташкил этиши ва ўтказиш бўйича халқаро ҳуқуқ принциплари тушунилади.



Халқаро сайлов стандартлари ҳам давлатга, ҳам фуқароларга қаратилган. Бунда давлат фуқароларни демократик сиёсий жараённинг табииатига монанд бўлган объектив ҳуқуқ билан таъминлашга мажбур бўлади. Фуқароларга эса муайян юридик имкониятлар, яъни субъектив сиёсий ҳуқуқлар берилиши кафолатланади.

Халқаро сайлов стандартлари:

миллий қонун
хуқоқатларини
унификациялаш
асосидир

ундан сайлов
жараённинг
барча
иштирокчилари
бевосита
фойдаланади

сайлов жараёнини
ташкил этиш учун
зарур, етарли
шарт-шароитларни
таъминлашни
зарурат қилиб
қўяди

Бинобарин, “халқаро сайлов стандартлари” тушунчаси:

хукукий категория

институт сифатида хукукий тартибга солиш
манбаси

норматив аҳамияти билан ўта долзарб хукукий
қадрият

хисобланади.



Демак, халқаро сайлов стандартлари деганда, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга ошириши ва сайловларни ташкил қилиш ҳамда ўтказишга оид халқаро ҳуқуқнинг умум ўтироф этилган принциплари маъмуасидан иборат институт тушунилади.

Халқаро сайлов стандартларининг ўзига хос жиҳатлари қуидада гиларда намоён бўлади:

Биринчидан, халқаро сайлов ҳуқуки ва сайлов жараёнига тааллукли бўлган халқаро стандартлар (халқаро сайлов стандартлари) давлат органларига ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуки асосида яширин овоз бериш йўли билан ёки фуқароларнинг хоҳиш-иродасини билдиришни таъминлаш орқали амалга оширилади;

Иккинчидан, халқаро сайлов стандартлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш, кўппартияйилик ва мафкуралар хилма-хиллиги, сайловни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларнинг барқарорлиги ва уларнинг жадал ривожланиши демократик сайлов жараёнларини таъминлашнинг асосий шартлари ҳисобланади;

Учинчидан, халқаро сайлов стандартлари сайлов органлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан овоз беришни ташкиллаштириш ва овозларни санаш, сайлов жараёни иштирокчиларининг ҳуқуклари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмининг мавжудлиги ва самарали ишлаши, овоз бериш якунлари ва сайлов натижалари устидан судга ҳамда бошқа ваколатли органларга шикоят қилиш, сайлов натижаларини эълон қилишдек сайлов жараёнининг муҳим жиҳатларини одилона халқаро кузатиш орқали амалга оширилади.

Халқаро сайлов стандартларига оид қатор муҳим халқаро ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, қабул қилинган.



Ҳозирги вақтда ушбу ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган халқаро ҳуқуқнинг принциплари ва нормаларини ҳисобга олмасдан, миллий сайлов қонунчилигини ривожлантириш ва сайловларни ўтказиш мумкин эмас!

Халқаро сайлов стандартлари бир қатор халқаро ҳужжатларда ўз ифодасини топган бўлиб, уларнинг асосийлари жумласига қуидагилар киради:

ХАЛҚАРО САЙЛОВ СТАНДАРТЛАРИ АКС ЭТГАН ХУЖЖАТЛАР




ЕХХТтинг инсонийлік мезонлары бүйінча конференцияны
Копенгаген Конғашининг ҳужжаты (Копенгаген, 1990 йил 29 жюнь)

Шүннингдек,

- “Аёлларга нисбатан камситишларга бархам бериш тұғрисида”ти декларация (БМТ, 1967 йил);
- Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиши тұғрисидаги халқаро конвенцияси (БМТ, 1966 йил);
- Парламентлараро иттифоқ Кенгашы “Эркін ва адолатлы сайлов принциплари тұғрисида”ти декларация (1994 йил);
- Инсон ҳуқуқлари тұғрисидаги Америка конвенцияси (1969 йил);
- Инсон ва халқтар ҳуқуқларининг Африка хартияси (1986 йил);
- МДҲда иштирок этувчи давлатларда демократик сайловлар, сайловга доир ҳуқуқлар ва әркинликлар стандартлари тұғрисидаги конвенция (Кишинёв, 2002 йил 7 октябрь) ҳам халқаро сайлов стандартлари манбаси сифатида хизмат қылмоқда.

II. УНИВЕРСАЛ САЙЛОВ СТАНДАРТЛАРИ




Универсал сайлов стандартлари умумжахон мікёсидаги халқаро ташкілотлар томонидан қабул қылған нормаларда шакллантирилған умумий сайлов принципларида намоён бўлади.

Универсал сайлов стандартлари илк бор 1948 йил 10 декабрда БМТ Баш Ассамблеяси томонидан тасдиқланған **Инсон ҳуқуқлари умумжахон декларациясида** ўз аксини топган.

Декларациянинг 21-модда-сида:



1966 йил 19 декабрда БМТ томонидан қабул қилинген **Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуктар тұғрисидаги халқаро пакттинг 25-моддасига** мураси, әрбір фуқаро қуидеги ҳуқук ҳамда имконияттарға әга бўлиши керак:



БМТ хотин-қизлар ҳуқуқтарини ҳимоя қилишга ҳам жуда катта эътибор қаратып келмоқда. 1952 йил 20 декабрдеги Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлары тұғрисидаги конвенцияның 1-моддасыда аёлларнинг ҳеч бир камситишларсиз әркаклар билан тәнг шароитларда бар-ча ғайловларда овоз беріш ҳуқуқында әгалиги белгиланған. Мазкур ҳужжаттинг 2-моддасыда:



Аёллар ҳеч бир камситишларсиз эркаклар билан төң шароитларда миллүй қонунчилиқда белгиланган, сайлашни талаб кыладиган ташкилотларда сайланishi мүмкінлігіга оид нормалар мавжуд.



Шу билан бирга, БМТнинг 1967 йил 7 ноябрдаги “Аёлларга нисбатан камситишларга бархам бериш түғрисида” ги декларациясиning 4-моддасида эса БМТГа ҳар бир иштирокчи-давлат аёлларга эркаклар билан бир хил шароитларда ҳеч бир камситишсиз қуидади:

- сайловларда овоз бериш ҳукуқи ва очиқдан-очиқ сайланадиган орнларга сайланиш ҳукуқи;
- барча очиқ референдумларда овоз бериш ҳукуқи ҳамда давлат лавозимларини эгаллаш, шунингдек, давлат бошқарувининг барча бўғинларида давлат вазифаларини амалга ошириш ҳукуқларни таъминлашлари лозимлиги белгиланган:

Бундан ташкири, фукароларнинг сиёсий ҳукукларини ҳимоялаш максадида уларнинг иркӣ камситилишицига йўл қўймаслик масалалари БМТнинг 1966 йил 7 мартағи Иркӣ камситишининг барча шакларини тутатиш түғрисидаги халқаро конвенциясида эътироф этилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 1991 йил 17 декабрда “Давлатларда сайловлар ўтказиш давомида миллый

суверенитеттөрдөн ишларга аралашмаслик тамойилларини хурмат қилиш түғрисида”ги 46/130-сон Резолюцияни қабул қылган.

Ушбу Резолюцияда:

сайловларни ўтказиш жараёнига таалуқты бўлган институтларни шакллантириш ва уларнинг асосий фаолият йўналишларини аниқлаш;

ҳар бир давлатда конституциявий-хукуқий нормалар ва миллий қонунчиликка асосланган сайлов ўтказишнинг усулларини танлаш фақаттана халқнинг зиммасида эканлиги;

халқаро ҳамжамият томонидан мунтазам ва адолатли сайловлар ўтказиш тамойилининг самарадорлигини оширишга қаратилган фаолиятнинг асосий мақсади сайловларни эркин ўтказиш ва ўзларининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳамда маданий тизимларини бошқа давлатларга маъқулми ёки йўқми, ундан қатъи назар, уларни ривожлантиришни чеклаб қўйишга йўл қўймаслик ҳамда сайловларни эркин ва одилона ўтказишни таъминлашда асосий масъулият давлатларнинг ўзига юклатилиши назарда тутилган.



БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ САЙЛОВ СТАНДАРТЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРИШ БҮЙИЧА СҮНГГИ ХАЛҚАРО НОРМАСИ 2005 ЙИЛ 27 ОКТЯБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН БМТНИНГ САЙЛОВЛАРНИ ХАЛҚАРО КУЗАТИШ ПРИНЦИПЛАРИ ДЕКЛАРАЦИЯСИ ХИСОБЛАНАДИ.

Ушбу декларацияда чинакам демократик сайловлар – бу Парламентлараро иттифоқ Кенгашининг 1994 йил 26 марта Парижда, 154-сессиясида қабул қилинган Эркин ва адолатли сай-

01

мамлакат
ахолисининг
суверен хукукстари
ифоласи

02


хукумат вакоатларни ва
конунийлигининг асоси
бўлмиш эркин
хоҳиши-иродасининг
бисидирилиши

03

мамлакатда сиёсий
хокимиёт учун
курашни тинч йўл
билиш ҳал этиши
имконияти

04

сайлаш ва сайланни
хукукстари халқаро
ътироф этилган инсон
хукукстари хисобланисин
белгиланган



лов мезонлари тұғрисидаги декларациянинг 1–12-бандларига асо-сан қуидагилар сайлов соҳасида давлат мажбуриятлари хисобланади:

- 01.** чинакам әркін ва адолатлы сайловлар үтказышнинг институтлари ва ҳуқуқтың кафолатларини таъминлаш
- 02.** сайловларни ташкил этиш ва үтказышда холисона, адолатты ва барқарор механизм үрнатыш
- 03.** барча фуқароларнинг ҳуқуқтарини қурмат қилиш ва уларга риоя этиш
- 05.** яширин овоз бериш принципига риоя қилиш
- 06.** пора бериш ёки бошқа нөқонуний ҳаракатларға йүл қўймаслик
- 07.** сайлов жараёнининг аниқ ва тушунарли олиб борилишини таъминлаш, сайловларда зўравонлик қилиш ҳолатларининг олдини олиш
- 08.** сайлов жараёнига тааллуқли бўлган шикоятларни сайлов органлари ва судлар томонидан тезкор равишда ва самарали кўриб чиқишида қонуний ва бошқа чоралар кўриш



II. УНИВЕРСАЛ САЙЛОВ СТАНДАРТЛАРИ

Күйида умум эътироф этилган ва халқаро ҳужжатларда мустаҳкамланган принципларга алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтамиз.

1. **Умумий сайлов ҳуқуқи принципи** маълум ёшга етган, тўла муомалага лаёқатли, ҳар бир фуқаронинг ҳар қандай умумдавлат сайловида сайлаш ҳуқуқига эга эканлигини англатади. Бунда овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқи саводхонлик ёки бошқа таълим билан боғлиқ мезонга боғлиқ бўлмайди.

2. **Тенг сайлов ҳуқуқи принципи** қонун асосида сайловчиларнинг сайлов натижаларига таъсир қилишида тенг имкониятлар яратилиши ҳамда қонун-қоидаларга мувофиқ сайланишда бир хил имкониятлар яратилганлигидир.

3. **Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи принципи** фуқароларнинг давлат органларидағи ўз вакиллари ва алоҳида мансабдор шахслар (мисол учун, Президентни)ни бевосита сайлашга қаратилган ҳуқуқи ҳисобланади.

4. **Сайлов ўтказиш мажбурийлиги ва даврийлиги принципи** сайланадиган лавозимлар муайян муддатни назарда тутишини, бу эса, ўз навбатида, сайлов ўтказиш борасида даврийлик ва мажбурийлик мавжудлигини англатади.

5. **Ўз ҳоҳиши-иродасини эркин билдириш, яширин овоз бериш принципи** ҳар бир овоз берувчига танлаш ва овоз бериш эркинлиги берилишини, шунингдек, овоз берувчи кимга овоз берганлиги ёки кимга овоз бермоқчи эканлиги ошкор қилинmasлигини англатади.

6. **Сайлов натижаларининг халқ иродасига мувофиқлиги принципига** биноан сайлов бевосита халқ иродасининг ифодаси эканини англатиб, ўз аксини натижаларда топиши лозим. Бунда овзларни санаб чиқиши ҳаққоний бўлиши ва ҳеч қандай сохталаштиришга йўл қўйилмаслиги керак.


- 7.** Давлатнинг сиёсий бетарафлиги прииципи сайловлар мустақил сайлов органи томонидан халқаро стандартларга ва амалдаги сайлов қонунчилигига мувофиқ ўтказилиши ҳамда сайлов жараёнига бошқа давлат органларининг аралашибига, ҳар қандай маъмурӣ ресурслардан фойдаланишга йўл қўйилмаслигини англаради.
- 
- 8.** Эркин рақобат приицини мазмунига кўра, бутун сайлов кампанияси сайлов субъектлари, номзодларнинг эркин, тент рақобати тамойилларига таянади. Бунда сайлов тўғрисидаги қонунларнинг талабларига риоя қилинади, сайловолди ташвиқоти барча шаклларидан, шу жумладан, ОАВлардан, сайловчилар билан учрашув ва мажлислардан ва бошқа шакллардан фойдаланилади, шунингдек, сайлов кампанияси иштирокчиларига ҳар қандай таъсир кўрсатиш ҳамда қандайдир имтиёз ва преференциялар бериш тақиқланади.
- 
- 9.** Фуқароларнинг шахсан ўzlари учун давлат мансабларига эришиш ҳукуқи приицинига кўра, ҳар бир фуқаро давлат ҳокимияти органларига сайланиш ҳукуқига эга.
- 
- 10.** Овозларнинг ҳаққоний ва тўғри санаб чиқилиши ҳамда очиқ ва ошкора сайловлар приципининг мазмунига асосан сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишида сайлов тўғрисидаги қонунларнинг талабларига, ҳаққонийлик, холислик тамойилларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши лозим. Ҳар қандай кўринишдаги субъективлик ва сохталаштиришга йўл қўйилмайди. Сайловларда миллий ва халқаро кузатувчиларнинг иштирок этиши таъминланиши шарт.
- 
- 11.** Сайланган номзодларнинг лавозимга киришиши ва мансабида ваколатлари тугатилгунга қадар қолиши кафолатлари приципи қонунчиликка асосан сайланган шахслар ўз вазифаларини бажаришга вақтида киришиши ҳамда шу
- 

лавозимда ваколат муддати тутагунга қадар қолиши учун давлат томонидан барча зарур шартшароитлар яратилиши шартлигини назарда тулади.

12. Қойдабузарликлар устидан шикоят қилиш имконияти ва фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлик принципи сайлов субъектларига, номзодларга, сайловчиларга сайлов органи ва сайловни бошқарадиган бошқа органлар томонидан қабул қилинган қарорлар устидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиш имкониятини таъминлашни тақозо этади.

EXХТ сайлов принциплари



EXХТнинг сайлов принциплари – универсаллик, тенглик, эркинлик, адолатлилик, яширинлилик, очиқлик ва ҳисобдорлик ҳисобланади.

Европа Кенгаши Парламент Ассамблеясининг умумевропа сайлов принципларига эса куйидаги беш принцип: умумий, тенг, эркин, яширин ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуки киради. Ана шу принцип ва ҳуқуқларнинг барчаси жамланган ҳолда халқаро сайлов стандартларини ташкил этади.


III. ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО САЙЛОВ СТАНДАРТЛАРИГА МОС САЙЛОВ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ХАЛҚАРО САЙЛОВ СТАНДАРТЛАРИНИНГ ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИНИШИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда сайлов қонунчилиги замонавий халқаро сайлов стандартлари билан узвий боғланган бўлиб, ўзаро мутаносиб равишда такомиллашиб бормокда.

Энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси муқаддимасида халқаро ҳукукнинг умум эътироф этилган қоидаларининг устунлиги тан олингандиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Конституцияда фуқароларнинг асосий сиёсий ҳукукларидан бири сифатида фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳукуқи назарда тутилган. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиши ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади. Ушбу норма Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳукуклар тўғрисидаги халқаро пактнинг **25-моддасига тўла мос келади**. Унга кўра, ҳар бир фуқаронинг камситишсиз ҳамда асосланмаган чеклашларсиз ҳам бевосита, ҳам эркинлик билан сайланган вакиллари воситасида давлат ишларини юргизишида қатнашиш ҳукуклари ва имкониятларига эга бўлиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг фуқаролар сайлов ҳукукларининг амалга оширилиши, бу борадаги кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳукукий асоси сифатидаги ўрни куйидаги шаклларда намоён бўлади:



Биринчидан, Конституциямизда ва миллий сайлов қонунчилигимизда, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 июнда қабул қилинган Сайлов кодексида сайлов халқ ўз ҳокимияти ва хошиш-иродасини тўғридан-тўғри рўёбга чиқаришининг олий ифодаси, давлат ҳокимияти органларини демократик тарзда ташкил этишининг негизи экани қайд этилади.



Маълумот учун:

Энг илгор халқаро стандартлар асосида қисқа фурсат ичидаги мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор Сайлов кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Сайлов кодекси лойиҳасини тайёрлаш жараёнида сайлов қонунчилиги тўлиқ хатловдан ўтказилди. Мамлакатимизда сайловларни ташкил этиш бўйича тўпланган амалиёт умумлаштирилди. Ривожланган давлатларнинг бой тажрибаси ўрганилди. Халқчил нормаларни ишлаб чиқиши бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Сайлов кодексини ишлаб чиқиша 50 дан ортиқ хорижий давлатлар, шу жумладан, Франция, Нидерландия, Канада, Италия, Швеция, Бельгия, Польша, Албания, Беларусь, Озарбайжон тажрибалари ўрганилди. Бугунги кунда 40 га яқин давлатда, хусусан, Франция, Бельгия, Бразилия, Беларусь ва Озарбайжон каби давлатларда Сайлов кодекслари қабул қилинган. Чехия, Россия, Қозогистонда ягона Сайлов кодексини қабул қилишга бўлган харакат кучайиб бормоқда. Мазкур кодекс тарқоқ ҳолдаги қўйидаги 5 та қонун (Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида; Фуқаролар сайлов ҳукуқларининг кафолатлари тўғрисида; Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида; Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида) ва Марказий сайлов комиссиясининг сайловларни ташкил этиш ва ўтказишга оид ўнлаб низом ва ўйриқномаларини ягона қонун ҳужжатида мужассам этди.

Иккинчидан, фуқаронинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш (фаол сайлов ҳукуқи) ва сайданиш (пассив сайлов ҳукуқи) ҳукуқлари Ўзбекистон Конституциясида мустаҳкамланган, уни амалга ошириш тартиб-қоидалари сайлов қонунчилигида аниқ белгилаб қўйилган.

Учинчидан, Ўзбекистон сайлов қонунчилигига умумий сайлов ҳукуқи принципи мустаҳкамланган. Ҳар бир фуқаро сайлов кунига қадар ёки сайлов кунида Конституцияда ва сайлов тўғрисидаги қонунларда белгиланган муайян ёшга тўлиши билан давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳукуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловлари умумийдир. Сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳукуқига эгадир. Умумий сайлов ҳукуқи фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусияти каби ҳолатлардан қатъи назар, ҳеч қандай камситишларсиз рўёбга чиқарилади.



Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиши жойларида сақланаётган шахслар сайлониши мумкин эмас. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганини учун суднинг ҳукми билан озоблиқдан маҳрум этиши жойларида сақланаётган шахслар сайловда қатнашмайдилар.

Тўртингчидан, тенг сайлов ҳукуқи принципи Ўзбекистон Республикаси **Сайлов кодексининг 5-моддасида** мустаҳкамланган. Ҳар бир фуқаро – сайловчи бир овозга эга ва бошқа фуқаролар билан тенгма-тенг тарзда ўзининг ана шу овозга эгалик ҳукуқини амалга оширади. Ҳар бир сайловчи ўзининг эркин овоз беришда иштирок этиши ҳукуқидан фойдаланиш мақсадида сайлов участкасига, шунингдек, овоз бериш хонасига тенг асосларда ва ҳеч қандай тўсиқларсиз кириш ҳукуқига эгадир.



Хар бир фуқаро сайловда ўз номзодини кўрсатиш имкониятидан фойдаланишда ҳам тенг хукуқларга эга.

Бешинчидан, Ўзбекистон сайлов қонунчилигида тўғридан-тўғри сайлов хуқуқи принципи ҳам ўз аксини топган. Фуқаролар сайловда номзод учун бевосита, яъни тўғридан-тўғри овоз берадилар. Ўзбекистон Республикаси **Сайлов кодексининг 6-моддасида** белгилангандек, “Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси депутатлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари фуқаролар томонидан бевосита сайланади”.

Олтинчидан, Ўзбекистон сайлов қонунчилиги – **Сайлов кодексининг 7-моддасида** яширин овоз бериш принципи мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу принцип сайловчиларнинг хоҳиш-иродасининг қандай тарзда бўлмасин назорат қилинишини истисно этиш, эркин сайлов учун тенг шарт-шароит таъминлаш каби мақсадларни кўзда тутади. **Сайловлар яширин овоз бериш процедурасидан фойдаланган ҳолда ўтказилади.**

Еттингчидан, сайловларнинг мунтазамлиги ва мажбурийлиги принципи ҳам Ўзбекистон сайлов қонунчилиги (*Сайлов кодексининг 61-, 67-, 88-моддалари*)да мавжуд. Давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар мажбурий бўлиб, Конституцияда, конституциявий ва сайлов тўғрисидаги қонунларда белгиланган муддат – **хар беш йилда мунтазам равишда ўтказиб борилади**.

Саккизинчидан, Ўзбекистон сайлов қонунчилиги (*Сайлов кодексининг 8-моддаси*)да **сайловларнинг очиқлиги ва ошкоралиги принципи**га алоҳида ўрин берилган. Сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиши сайлов комиссиялари очиқ ва ошкора амалга оширади. Сайлов комиссияларининг мажлислари очиқ ўтказилади. Сайлов комиссияларининг қарорлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.



Сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Қонунчиллик палатаси депутатлигига, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, бошқа давлатлардан, ҳалқаро ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этиш хукуқига эга.

Тўққизинчидан, сайловларнинг эркинлиги принципи. Фуқароларнинг сайловда иштирок этиши эркин ва ихтиёрийdir. Ҳеч ким уларнинг муайян номзод учун “тарафдор” ёки “қарши” овоз беришга мажбур этиш хукуқига эга эмас. Ҳеч ким фуқарога уни сайловда иштирок этишга ёхуд иштирок этмасликка мажбураш мақсадида таъсир ўтказишга, шунингдек, ўз хоҳиш-иродасини эмин-эркин ифода этиши учун мажбурашга ҳақли эмас. “Сайловда эркин ва яширин овоз берилади. Сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини назорат қилишга йўл қўйилмайди. Яширин овоз бериш сайловчининг хоҳиш-иродаси устидан ҳар қандай тарзда назорат қилиш имкониятини истисно этадиган тегишли шароитларни яратиш орқали таъминланади”. Бюллетенни белгилаш пайтида овоз бериш хонасида овоз берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади.

Ўнинчидан, мамлакатимизда ҳақиқий сайловлар принципини жорий этишга йўналтирилган хукуқий асослар яратилган. Сайловлар ҳалқнинг эркин тарзда ифода этиладиган хоҳиш-иродасини аниқлайди ва унинг бевосита рўёбга чиқарилишини таъминлайди. Ўзбекистон сайлов қонунчилиги сайловчиларга номзодларни танлаш, сайлаш имконини беради. Ҳозирги кунда юртимизда том маънодаги сиёсий плюрализм, ғоялар хилма-хиллиги ва қўппартияйилик тизими амал қилмоқда.

Шунингдек, Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.



Сайлов куни ва овоз бериши бошланishiдан бир кун олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиши (ҳаммага маълум қилиши), шу жумладан ахборот тармоқларига, шунингдек Интернет жаҳон

ахборот тармогига жойлаштириши тақиқланади. Фуқароларнинг сайлаши ва сайланиши, сайловолди ташвиқоти олиб бории ҳуқуқларини амалга оширишларига зўравонлик, алдаи, таҳдиод қилиши ёки боиқа йўл билан қаршилик кўрсатувчи шахслар, шунингдек соҳта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиқсан, овоз бериши яширишигини бузган ёки ушибу қонун бошқача тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, боиқа мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг вакилари аъзолари қонунга мувофиқ жавобгар бўлиши белгиланган.

Ўн биринчидан, Ўзбекистон сайлов қонунчилиги адолатли сайловлар принципи амал қилиш учун тегишли ҳуқуқий негизга эга. Ушбу принцип сайлов жараёнининг барча иштирокчилари учун тенг ҳуқуқий шарт-шароитни таъминлашга қаратилганdir. Адолатли сайловлар принципини жорий этиш орқали қуидагиларнинг таъмин этилиши кўзда тутилади:

- сайловларнинг, номзодлар ва сиёсий партияларнинг сайлов кампанияларини адолатли ва ошкора молиялаштирилиши;
- овоз бериш ва овозларни санаб чиқиши чоғида ҳалолликнинг таъминланиши, сайловнинг жами якунларини расмий нашр этириши йўли билан овоз бериш натижаларидан тўла ва тезкор хабардорликни йўлга қўшиш;
- фуқаролар, сиёсий партиялар номзодлари, сайловнинг бошқа иштирокчилари сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги устидан қилган шикоятлари судлар ва қонун бўйича тегишли ваколат берилган бошқа органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан сайлов жараёнларининг тегишли босқичлари учун белгиланган муддатлар доирасида тез ва самарали қўриб чиқилиши.

Ўн иккинчидан, Ўзбекистон сайлов қонунчилигига сайловларнинг мустақил сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши принципи мустаҳкамлаб қўйилган. Мамлакатимизда сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоялаш ҳамда уларга риоя этилишини назорат қилиш вазифалари Конституция ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида фаолият юрита-

диган мустақил сайлов комиссиялари зиммасига юклатилган. Сайлов комиссияларини тузиш, уларнинг ваколатлари ва ишини ташкил этиш тартиби қонунларда белгиланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси **Сайлов кодексининг 11–26-моддаларида** сайлов комиссиялари тизими, сайлов комиссияларининг ваколатлари, уларнинг ишини ташкил этиши ва ваколат муддатлари қайд этилган.



Марказий сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қиласидаган қарорлари округ ва участка сайлов комиссиялари, давлат органлари, сиёсий партиялар ҳамда бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун маълбурйидир.

Үн учинчидан, Ўзбекистон сайлов конунчилигига сайловларниң ва номзодлар, сиёсий партиялар сайлов кампаниясининг давлат томонидан молиявий таъминланиши принципига амал қилиниши белгиланган. Давлат сайлов кампанияси билан боғлиқ барча сарф-харажатларни ўз зиммасига олади.



Үн тўртингидан, Ўзбекистон сайлов конунчилигига сайловлар ва ташвиқот фаолиятининг давлат томонидан ахборот жиҳатдан қўллаб-куvvatланиши принципи назарда тутилган. Давлат сайлов, номзодлар тўғрисидаги ахборотни излаш, йигиш ва тарқатиш эркинлигини, сайлов жараёнларининг оммавий ахборот воситаларида холисона ёритилишини таъминлайди. Давлат фуқаролар, номзодларга қонунда белгиланган тартиб ва муддатларда қонун йўл қўядиган ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай қонуний йўл билан ташвиқот фаолиятини амалга ошириши эркинлигини таъминлайди.

Үн бешинчидан, сайлов конунчилигига фуқароларниң ўз сайлов хукуқлари ва эркинликлари бузилганлиги устидан шикоят қилиши ва бунинг учун тегишли жавобгарлик принципи кўзда тутилган. Фуқаронинг сайлов хукуқлари ва эркинликлари бузилган тақдирда, жабрланган шахс ёки шахслар мустақил судларга мурожаат қилиш хукуқига эга, қонунда ва бошқа қонун хужжатларида тақиқланган ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этганликда айбланган шахслар эса қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилади.

ХАЛҚАРО САЙЛОВ СТАНДАРТЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИГА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИНИШИ

Ўзбекистоннинг амалдаги сайлов қонунчилигида асосий халқаро сайлов стандартларининг барчаси имплементация қилинганини юқоридаги маълумотлар орқали гувоҳ бўлдик. Мамлакатимиз бу соҳада зиммасига олган халқаро мажбуриятларини қўйидаги йўналишларда оғишмай адо этиб келмоқда:

Конституциямизга, қонунларимизга, умум эътироф этилган халқаро хукуқ нормаларига мувофиқ, сайлов жараёнлари иштирокчиларининг сайлов тўғрисидаги хукуқларида кўзда тутилган демократик принциплар ва нормалар ҳимоя этилишини, сайловлар демократик руҳда ўтказилишини, сайловларда фуқаролар ўз хошигиродасини эркин ифода этишини, сайловларнинг бўлиб ўтганлиги, ҳақиқийлиги ва қонунийлиги (легитимлиги) тан олинишини кўзда тутувчи талабларнинг асосланган бўлишини кафолатлади.

Сайлов тўғрисидаги қонунлар фақат қонун чиқарувчи ҳокимият (парламент) томонидан қабул қилинади. Сайлов ўтказишни таъминлашга қаратилган норматив-хукуқий хужжатлар ижро ҳокимияти органлари томонидан ўрнатилмайди.

Кўп partiya вийлик асосида ўтадиган бевосита сайловлар чоғида барча номзодларнинг эркин рақобатлашуви учун зарур шарт-шароит яратади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чоғида фуқароларнинг сайловга доир ҳукуқ ва эркинликларига амал қилинишини таъминлашнинг хукуқий, ташкилий, ахборот жихатдан кафолатлаш тизимларини яратади.

Хотин-қизларнинг сайлаб қўйиладиган органларга сайлаш ва сайданиш борасидаги ҳукуқларига реал, эркаклар билан тенгма-тент равишда амал қилиниши имкониятларини таъминлайди. Овоз беришда барча сайловчилар иштирок этиши учун ҳукуқий кафолат ва шарт-шароитлар яратиш учун зарур қонунчилик чораларини жорий этади.

Сайловчиларни ёши, фуқаролиги, турар жойи, шахсини тасдиқловчи асосий хужжати мавжуд экани каби мезонларни кўзда тутувчи, ҳеч бир камситишларсиз амалга ошириладиган муайян қонуний-меъёрий тартиб-таомиллар негизида рўйхатга олиш учун тегишли ҳукуқий шарт-шароит яратади.

Сиёсий партиялар шаклланишига ва уларнинг эркин қонуний фаолият юритишига кўмаклашади, сиёсий партиялар ва сайлов

жараёнларининг молиявий таъминланишини қонуний жиҳатдан тартибга солади, сайловолди дастурлари қоидаларини эмин-эркин баён эта олиши, сайловчилар эса ушбу фикр-мулоҳазалар билан танишиш асносида кимни ёқлаб ва кимга қарши овоз бериш хусусида бемалол муҳокама юритиши учун тегишли шарт-шароит яратиш мақсадида сайлов кампаниялари эркинлик ва ҳалоллик муҳитида ўтказилишини таъминлайди.

Сайлов кампанияси оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, Интернетда холис ёритилишини кафолатловчи зарур чораларни кўради, сиёсий партиялар ва номзодларнинг ҳеч бир камси-тишларсиз оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишида қандайдир хукукий ёки маъмурий тўсиқлар кўйилишининг олдини олади.

Хукукий таълимни ташкил этиш бўйича аниқ чораларни амалга оширади, фуқаролар ва сайлов жараёнларининг бошқа иштирокчилари сайлов тартиб-таомиллари ва қоидалари билан танишишини ва бу ҳақда тегишли билимга эга бўлишини, уларнинг хукукий маданияти юксалишини, сайлов ташкилотчиларининг малакаси ошишини таъминлайди.

Мамлакатимиз қонунчилиги ва зиммамиздаги ҳалқаро мажбуриятларимизга мувофиқ эркин, адолатли, ҳақиқий ва мунтазам сайловлар ўтказиши ташкиллаштирадиган мустақил сайлов комиссиялари тузилишини таъминлайди.

Фуқароларнинг сайловга оид хукуқ ва эркинлеклари бузилишларини, шунингдек зўравонлик, алдоқчилик, таҳдид, кўзбўямачилик каби бошқа йўллар билан фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган сайлаш ва сайланиш хукукининг эркин амалга оширилишига ҳамда сайловга оид бошқа хукуқларининг рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилувчи шахсларни жавобгарликка тортиш асосларини қонун йўли билан тартибга солишга қаратилган чоратадбирларни амалга оширади.

Сайловларни ташкил этиш ва ўтказища ҳалқаро ташкилотлар ҳамда шу ташкилотлар таркибига кирувчи хорижий давлатлар билан фаол ҳамкорлик қилади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунларида эркин демократик сайлов ўтказишнинг асосий қоидалари ва ҳалқаро стандартлари ҳамда фуқароларнинг давлат вакиллик органларига сайлаш ва сайланиши билан боғлиқ конституциявий хукуқлари амал қилишининг кафолатлари мустаҳкамлаб кўйилгани эътиборга сазовордир.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I. Халқаро сайлов стандартлари тушунчаси, моҳияти ва манбалари	5
II. Универсал сайлов стандартлари	8
III. Ўзбекистонда халқаро сайлов стандартларига мос сайлов тизимининг ривожланиши ва халқаро сайлов стандартларининг имплементация қилиниши	16

Х.И. БОТИРОВ

**ХАЛҚАРО САЙЛОВ
СТАНДАРТЛАРИ**

(оммабоп рисола)

Масъул мұхаррір: Х. Салоева

Мұхаррір: Ф. Мұхаммадиева

Техник мұхаррір: У. Санаев

Компьютерда сақиғаловчи: Д. Ражапов

Босишга рұхсат этилди: 27.03.2021.

Жажми: 2 б.т. Адади: 40. Буюртма: № 9.

Тошкент давлат юридик университети

Типография бұлымида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ қўчаси, 35-үй.

ИЛМИЙ-ОММАБОП РИСОЛАЛАР МАХСУС СЕРИЯСИ:

- 1) Президент сайловининг ўзига хос хусусиятлари;**
- 2) Президентликка номзодларнинг ҳуқуқий мақоми;**
- 3) Президент сайловида сиёсий партияларнинг иштироки;**
- 4) Сайловолди ташвиқоти;**
- 5) Сайловда овоз бериш тартиби;**
- 6) Сайловларда очиқлик ва ошкоралик;**
- 7) Сайловчиларнинг рўйхатини тузиш тартиби;**
- 8) Сайлов ҳуқуқларига оид шикоятларни кўриб чиқиш;**
- 9) Сайлов қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик;**
- 10) Халқаро сайлов стандартлари;**
- 11) Кузатувчиларнинг ҳуқуқий мақоми;**
- 12) Марказий сайлов комиссиясининг мақоми;**
- 13) Округ сайлов комиссияларининг мақоми;**
- 14) Участка сайлов комиссияларининг мақоми.**

ИЛОВАНИ ЮКЛАБ ОЛИШ:

